Миллий гиламдўзлик – касаначиликнинг ривожи сифатида

Муҳайё Назарова

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Аннотатция: Ушбу мақолада юртимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятларнинг натижасида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Ёшларга эътиборнинг давлат сиёсати даражасида кўтарилгани эса жудаям аҳамиятлидир.Тадбиркорликнинг қадимий йўналишларидан бўлмиш гиламдўзлик санъати тўғрисида бу борада устоз-шогирд анъаналари хақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ёшлар, Ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлар,оилавий тадбиркорлик, гиламдузлик ва ушбу соха вакилларининг махорат сирлари, “Кулча гул”, “Олма ой”, “Райҳон”, “Ҳамдўстлик”, “Атлас”, “Олача”, “Шахмат” гиламлари

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Айниқса касб-ҳунар эгаллашни истаган ҳар қандай қизиқувчи учун минг битта имкониятлар эшиги бор. Ёшларга эътиборнинг давлат сиёсати даражасида кўтарилгани эса жудаям аҳамиятлидир. Маҳалларда ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари билан шуғулланувчиларнинг сафи ортган. Бир сўз билан айтганда интилганга толе ёр! Бу жараёнда изланиб, интилиб, меҳнатдан қочмаганларнинг чўнтаклари қаппая бошлагани ҳам сир эмас!

-Тадбиркор бўлиш учун биринчи одамда ғоя бўлиши керак. Қурқувни унутиш лозим. Тадбиркор бўлгани учун ҳеч ким айбдор эмас, фақат, солиқларни ўз вақтида тўлаб, бошлаётган ишингиз учун қонуний асослар бўлса бас. Баъзида тадбиркорликни бошлаётганларда тажриба етишмаслиги боис қонун бузилиш ҳолатлари учраши табиий. Шунда ҳам қўрқмаслик ортга чекинмаслик муҳим. Сиз ноқонуний ишингизга нари борса жарима тўлашингиз керак бўлади. Шундай бўлганда ҳам обрўйингизни тўкадиган ҳеч қандай ҳаракатлар содир этилмайди, - дейди туман Нуронийлар жамоатчилик кенгашнинг раиси Тошқул Абдиев.

Дарвоқе, ҳамроҳимнинг сўзларида жон бор. Тадбиркор бунинг учун бизнес режа тузиши керак. Сиз нима қилмоқчисиз, қандай ишлаб чиқаришни йўлга қўясиз, нима сотмоқчисиз, неча сўмдан сотасиз, бу иш сизга қанчага тушади, провардида қанча фойда оласиз, ана шуни тахмин қилиб, харажат ва фойдани чамалаб, бу саволга жавоб топиб бўлгач тадибкорликни бошлайсиз. Кейинги қадам, агар сиз ёлғиз иш боламоқчи бўлсангиз якка тартибдаги тадбиркор бўлишингиз керак. Тегишли давлат идорасига тўлов қиласиз. Агар Сиз ўз бизнесингизни уч ой ичида юрита олмасангиз, бор йўғи бир неча юз минг сўм зарар қилишингиз мумкин, аммо ишни уддаласангиз, меҳнатдан, янгиликдан қочмасангиз, шу уч ой ичида ўзингизни тиклаб оласиз, фойда кўра бошлайсиз. Фаолиятни ёлғиз эмас кўпчилик бўлиб бошламоқчи бўлсангиз, унда оилавий корхона ёки масъулияти чекланган жамият очишингиз, унда Низом ишлаб чиқишингиз керак бўлади. Низом дегандан хавотирга тушманг, негаки бир неча йиллардан буён ёш тадбиркор ва тажрибали тадбиркорларга ёрдам бераверіб, бу ишни тушуниб кетган давлат идора ходимлари бор, улар албатта сизга ёрдам беради. Сиз билан ўтириб, низомингизни бирга ёзади.

Бугун иш бошлаётган ҳар қандай тадбиркор мана шу каби қоидаларни билиши муҳим.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934



Туманимизда ўзига хос ўрин ва иш услубига эга бўлган, “Бурқут” маҳалла фуқаролар йиғини, “Навбаҳор шоҳ кўча”сида истиқомат қилувчи Моҳижаҳон Унбаева йигирма нафар шогирд қизни қўлини “тўғрилаш” асносида гилам тўқишни йўлга қўйган. Навбаҳор туманидаги давлат хизматлари маркази томонидан Унбаева Моҳижаҳон Мустафоевнага ҳунармадчилик фаолиятини расман бошлаш учун “Қўлда гилам тўқиш” йўналишида тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжат ҳам берилган.

-Гилам тўқишни тишим чиққанидан буён биламан. Менга онам Санобар Солиева устозлик қилганлар. Бизнинг оилада доим гилам тўқилган, шунинг орқасидан даромад кўрганмиз. Уйлар қилиниб, тўйлар ўтказилган, ота-онам орзу ҳавасу, яхши ниятлар билан ҳунармадчилик қилганлар - дейди қаҳрамонимиз.

Моҳижаҳон Унбаеванинг турмуш ўртоғи Ахтам Туропов Кармана тумани ҳудудидаги ГРЭСда меҳнат қилади. Ҳовлида бир қарич ер борки ободонлаштирилган, томорқадан унумли фойдаланадилар. Улар аҳил-иноқ бўлиб яшаяптилар.

Шогирд қизлар Шаҳзода Назарова, Нафиса Қодирова, Кумуш Муротова, Муҳаббат Ортиқовалар жон-жаҳдлари билан гилам тўқишни ўрганаётирлар.

-Айниқса Шаҳзодахоннинг шаҳди баланд, -деди Моҳижаҳон. -Ҳозир эса мана бу гиламни яна бир маслакдошим Севара Аҳмедова билан бирга тўқияпмиз. Бу қиз ҳам эсини таниганидан буён гиламчи. 2Х3 ҳажмдаги гиламларни икки-уч кунда тўқиймиз. Таъминотчи Рашид Юлдошов бизни керакли маҳсулотлар билан таъминлаб турибди.

WORDLY KNOWLEDGE

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934



Гилам асосан жундан тўқилади. Аммо кейинги пайтларда унинг нафислигини ошириш учун ипдан тўқиш урфга киряпти. “Кулча гул”, “Олма ой”, “Райҳон”, “Ҳамдўстлик”, “Атлас”, “Олача”, “Шахмат” номларига эга бўлган гиламларнинг бозори доимгидек чаққон. Қаҳрамонимиз иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, аммо анчамунча буюртма олишга улгурган. Гиламдаги ранглар, унинг кўриниши, гуллар ва шакллар билан безатилиши миллий руҳиятимизни акс этиради. Газетхонларнинг ёдида бўлса, Муҳтарам Президентимиз Самарқандда бўлганида ёш тарбиркор билан учрашганди. У куйлаклар тикади. Ёш тадбиркор аслида чет элда юрганини, аммо кейинги пайтларда мамлакатимизда тадбиркорлар учун жудаям зўр имкониятлар яратилганини матбуотда ўқиб, Ватанимизга қайтиб келади ва ўз ишини Самарқандда бошлайди. Ҳатто чет элдаги тадбиркор ўроқларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришга чақиради.

Моҳижаҳон келажакда, ўзининг ишлаб чиқариш цехига эга бўлишига ва гилам маҳсулотларини айниқса миллийлигимиз уфуриб турган миллий гиламларни ишлаб чиқаришига шубҳа йўқ. У албатта экспертбоп гиламлар тўқишига ҳам ишонамиз.



Муҳайё НАЗАРОВА,

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси